

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШҚИ МИГРАЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Нодиржон Низомжонович ХОЛМИРЗАЕВ
Фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Тошкент давлат техника университети
Кўқон филиали
Кўқон, Ўзбекистон
nodirjon86.86@mail.ru

Аннотация

Мақолада жаҳонда миграция жараёнига таъсир ўтказган омиллар, мамлакатимиз ташқи мигрантларининг ушбу жараёндаги ўрни, бу йўналишни танлашининг сабаблари ҳамда бугунги кунда уларнинг таркиби тўғрисида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: миграция, урбанизация, санитария маданияти, юқумли касалликлар, бандлик, тиббий хизматлар, экологик муаммолар, микро ва макро иқлим.

ОСОБЕННОСТИ ВНЕШНЕЙ МИГРАЦИИ В НАШЕЙ СТРАНЕ

Нодиржон Низомжонович ХОЛМИРЗАЕВ
Доктор философии (PhD) по философским наукам
Кокандский филиал
Ташкентского государственного технического университета
Коканд, Узбекистан
nodirjon86.86@mail.ru

Аннотация

В статье речь идет о факторах, повлиявших на миграционный процесс в мире, а также об иностранных мигрантах нашей страны, их роли в этом процессе, причинах выбора данного направления, и об их составе на сегодняшний день.

Ключевые слова: миграция, урбанизация, санитарная культура, инфекционные болезни, занятость, медицинское обслуживание, экологические проблемы, микро и макроклимат.

Ҳозирги глобаллашув жараёни ўзаро алоқалар, ижтимоий ҳамкорлик ва бандлик масалаларини тараққиётнинг энг муҳим омиларидан бирига айлантириди. Эндиликда ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини мақбул иш билан таъминлаш борасида бандликни вужудга келтириш учун зарур шартшароитлар яратиш, мукаммал меҳнат бозорини шакллантириш, ишга жойлашишга муҳтоҷ бўлган шахсларни тўла ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади [4; 264].

Бу жараёнда миграциянинг ўзига хос ўрни бор. Зеро ахолининг иш билан бандлигини таъминлаш масаласидаги муаммоларнинг ечимларидан бири бу миграция билан боғлиқ. Чунки миграция ишсизлик муаммосини камайтиришда муайян даражада роль ўйнайди. Ҳозирги кунга келиб мамлакатлар ва шаҳарлар ривожи қўчиб ўтишлар, уларнинг кўлами ва сифатига боғлиқ бўлиб қолди. Шу туфайли мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда миграция масаласида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди ва бандликни таъминлашда ўсишга эришилди. Миграциявий ечимлар юртимиз тараққиёти учун янада кўпроқ хизмат қила бошлади.

Миграция масаласи ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этганлиги боис дунё ва мамлакатимиз олимлари ҳамда сиёsatчилари томонидан тадқиқ этилмоқда. Ҳусусан бу йўналишда А.Хусейнова, Ш.Кучаров, Д.А.Маджидова, З.А.Толаметова, Ш.Холмуминов, Х.Абдурахманов ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилди. Улар ушбу фаолият йўналишидаги бир қатор муаммоларнинг ечимларига жавоб изладилар.

Қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда жаҳондаги миграцион жараёнларга бир қатор омиллар таъсир кўрсатди. Ҳозирги вақтда жаҳон миграция жараёнларининг йўналишлари, шакллари ва суръатлари кескин ўзгармоқда. Бу жараёнлар бўйича дунёнинг кўпгина мамлакатларида айrim ўхшашликлар кузатилмоқда, миграциянинг устувор мотивлари психологик, демографик, ижтимоий-иктисодий ва бошқалар ҳисобланади [7; 3]. Буларни асосан қуидагиларда кўриш мумкин.

- дунёнинг турли минтақаларида миграция жараёнларининг кўп йўналишилиги;
- турли юқумли қасалликларнинг пайдо бўлиши;
- туғишининг камайиши туфайли аҳоли сонининг қисқариши;
- айrim мамлакатларда кексайиб қолган аҳоли микдорининг кўплиги;
- дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган экологик муаммолар;
- уруш хавфининг мавжудлиги ва бошқалар.

Миграция жараёни қадимдан мавжуд. Одамлар доимо кўчиб юришган. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига дунёда 45 миллион меҳнат мигрантлари мавжуд бўлса, Жаҳон банки маълумотларига кўра XXI аср бошида дунё миқёсида 200 миллион мигрант мавжуд бўлиб, шундан 105 миллиондан (2013 йилда) ортиғи меҳнат мигрантларини ташкил этди [8;62]. Демак, бугунги ташқи мигрантларнинг катта қисми меҳнат мигрантлари улушкига тўғри келади. Бу эса миграциянинг моҳияти ва ва шаклига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Таъкидлаш жоизки, жаҳонда юз бераётган миграцион жараёнлар маҳаллий ёки минтақавий миграцияга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ҳам сўнгти йилларда миграция жараёнларига бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Улардан бири мамлакатимизда аҳоли сонининг фаол ортиб бораётганлигидир. Фикримизча, бунга қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

- ўлим даражасининг пасайганлиги;
- юқумли касалликларга қарши курашда замонавий тиббиёт ютуқларидан кенг фойдаланиш;
- санитария-эпидемиология маданиятининг ошганлиги;
- туғилиш даражасининг кўпайганлиги;
- эрта турмуш қуришнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Юқоридаги омиллар шуни тасдиқлайдики, мамлакатимизда арzon ишчи кучи миқдори ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб аҳолининг бошқа шаҳарларга вақтинча ёки доимий яшаш учун кетишига олиб келаётган бир қатор сабаблар мавжуд. Бунда мигрантлар шаҳарларнинг яқинлиги ва даромадлар даражасига катта эътибор қаратишади. Фикримизча, мамлакатимиздаги юқори ташқи миграциянинг сабаблари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин.

- ресурслар муаммоси;
- экологик муаммолар;
- тиббий хизматлар сифатининг пастлиги, касалликларнинг кўпайиши;

- ёшларнинг хорижда билим олишга бўлган интилиши;
- яхши даромад излашга бўлган интилиш;
- бандлик масалалари;
- камбағаллик ва х.к.

Шу билан бирга мамлакатимизда ташқи миграция даражасининг бирдек юқори даражада сақланиб қолаётганлигига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш ишларининг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги;
- ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун етарли шароит яратилмаганлиги;
- касбга йўналтириш ва касбга ўргатиш тизимининг тўлиқ ишламаётганлиги ёки даромадларнинг пастлиги;
- ёшларни муносиб иш билан таъминлаш даражасининг самарали эмаслиги.

Фуқаролар бандлигини таъминлаш соҳасида ушбу муаммоларни мамлакат миқёсида бартараф этиш бўйича тавсиялар берилганлиги ва Президентимиз томонидан 2020 йил 15 сентябрда “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4829-сон қарори [2] қабул қилинганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу қарор туфайли бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Бироқ шунга қарамай, шаҳар аҳолисининг тез суръатларда ўсиши, иш ўринлари сони ўсгани билан иш ҳақи, олинадиган даромаднинг ишга ёлланувчини қониктирмаётганлиги ҳам меҳнат миграцияси субъектларини чет элларга ишлаш учун турли йўллар билан кетиб қолишига сабаб бўлмоқда, яъни қишлоқлардан шаҳарларга кўчиб ўтган фуқаролар бу ерда ҳам узок қолмай, ташқи миграция оқимиға тортилмоқда. Шаҳар аҳолисининг ташқи миграцияга тортилишига сабаб бўлаётган омиллар сифатида яна қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- шаҳарларда кўчмас мулк нархининг юқорилиги;

- аҳолининг ҳаддан ташқари кўпайиши;
- марказий шаҳарларда уй-жой ижара ҳақининг юқорилиги;
- экологик муаммоларнинг кескинлашуви;
- маҳаллий солиқларнинг юқорилиги;
- ижтимоий муаммоларнинг кучайиши;
- жиноятчиликнинг ўсиши;
- даромадлар даражасининг камайиб кетиши ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда мигрантлар томонидан қуидаги омилларга катта эътибор қаратилмоқда ва бу ҳолат кўплаб тадқиқотчи-олимлар – иқтисодчилар, социологлар, психологлар, экологлар эътиборини тортмоқда.

- шаҳарнинг ўсиши ва ривожланганлиги;
- даромад олиш имкониятининг юқорилиги;
- хориж тилларини билиш эҳтимолининг юқорилиги;
- ўзига танишларнинг мавжудлиги;
- ижтимоий турмуш ва маданий ҳаёт даражаси;
- сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятлари;
- жамоат транспортининг арzon ва қулайлиги;
- зарарли экологик омиллар ва ҳ.к.

Мигрантлар кўчиб бораётган шахрида асосан нималарга эътибор қаратиши албатта, тадқиқотчиларни қизиқтиради. Уларнинг асосий фикри факат пул топиш ва уйга жўнатишми ёки борган жойида яхши, муносиб иш топиб яшаб қолишми? Ҳозирги вақтда мигрантлар шаҳар ҳудудларини танлашда қуидаги жиҳатларни эътибор қаратадиганлигини кузатиш мумкин:

- макро ва микроиклим;
- сув омили;
- ҳавонинг ифлосланганлиги;
- саноат зонаси эканлиги;
- турар жой зонаси эканлиги;
- маъмурий-маданий марказ эканлиги;
- транспортга қулайлиги ва бошқалар;

- худуднинг тинч эканлиги;
- қонуний ишлаш имкониятининг мавжудлиги;
- иш ҳақининг ўз вақтида берилиши ва бошқалар.

Ушбу соҳадаги тадқиқотлар ташқи миграцияга жалб этилган шахсларнинг нима сабабдан бу ишга қўл урганини ва қандай шароитда ишлашга рози эканлигини ўрганиш асносида уларга ҳукумат ва давлат бошқарув органлари муносабатларини ҳам тадқиқ этишга қизиқиш уйготади. Хўш, қонунчилигимизда мигрантларга ёки уларнинг фарзандлари ва оилаларига қандай шароитлар мавжуд? Ўрганишлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этишда фуқаролар йигинларининг қуидаги вазифалари кўрсатилган [9; 57-62]:

- ҳар бир маҳаллада ишчи кучи кам худудлардаги бўш иш ўринлари, ишнинг характери, маош, ишчилардан талаб этиладиган малакалар ҳақида маълумот тўплаб бориш ва эълон қилиш;
- меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига зарур тиббий ёрдамлар кўрсатиш;
- мигрантларнинг фарзандлари таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ва ҳ.к.

Меҳнат мигрантларининг ўзларига шароитлар яратилганми ёки йўқ? Бу борадаги саволларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3839-сон қарори [3]дан жавоб олиш мумкин. Ушбу қарор билан хорижда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёки хизмат сафари мақсадида хорижга чиққан фуқароларимиз ҳуқуqlари ҳимоя қилиниб, ваколатли давлат органларига тегишли вазифалар юклатилган. Бу эса ушбу соҳадаги ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлигини кўрсатади

Натижада меҳнат мигрантларининг ўзларига бўлган ишончлари ортиб бормоқда. Шу сабабли улар дунёning турли давлатларида, хусусан,

Россия, Корея, АҚШ, Канада, Польша ва бошқа мамлакатларда фаолият олиб бориши мөрбүлдөнгөнде. Тадқиқотлар ва статистика натижалари уларнинг катта қисми 2018-2020 йиллар мобайнида Россия Федерацияси меҳнат бозориларида фаолият юритганини кўрсатмоқда [6; 3] Бундан хуроса қилиш мумкинки, ташқи миграциянинг катта қисми Россия давлати ҳисобига тўғри келмоқда.

Тан олиш керак, бугун Ўзбекистонлик мигрантлар асосан ташқи миграциянинг ривожланишига ва мамлакатга пул оқими кириб келишига хизмат қилиши мөрбүлдөнгөнде. Бу эса мамлакат ЯИМ маҳсулотидаги 10 фоиздан ортиқ маблағ дегани. Расмий маълумотларга кўра, ҳозир 2,5 миллиондан ортиқ фуқаролар даромад топиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ишламоқда [10]. Бугунги кунга келиб хорижда фаолият олиб бораётган ўзбек мигрантларини қўйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

- ота-бобоси мамлакатни яшаш ёки ишлаш мақсадида тарк этиб ҳозирда хорижда бўлган ўзбек диаспораси вакиллари;
- ноқонуний характерга эга бўлган меҳнат мигрантлари (улар асосан Россия ва Қозогистонда);
- шартнома асосида юборилган паст малакали ишчилар;
- профессионал малакага эга бўлган шахслар ва илмий фаолият билан шуғулланувчи олимлар;
- сайдёнлар ва даволаниш мақсадида хорижга чиққанлар.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз фуқаролари дунёning турли давлатларида ўз фаолиятларини олиб бориши орқали мамлакатимиз ривожига, аҳоли фаровонлиги, юрт тинчлигига ҳамда шаҳар ва қишлоқларимиз тараққиётига муайян даражада ҳисса қўшмоқдалар. Бу эса ривожланиб бораётган давлатимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Таъкидлаш жоизки, урбанизация жараёнининг янги даврини бошдан кечираётган мамлакатимиз шаҳарлари ривожида ташқи ва ички миграция вакилларининг хизматлари ҳам салмоқли деса бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ривожланишнинг янги босқичига чиққан Янги Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси сонининг сезиларли тарзда тез ўсиши потенциал қишлоқ-шаҳар мигрантларининг интеграциялашуви билан боғлиқ. Фикримизча, миграция жараёни дунёнинг кам ривожланган мамлакатларида яқин ўн йиллар ичидаги шаҳар аҳолисининг ўсиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Бир қатор халқаро эксперталарнинг фикрига кўра, бу ўсиш кўрсаткичи 40 дан 50 фоизгача ўсиши эҳтимоли мавжуд.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси: Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сон фармонига 1-илова // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6. – Б. 29-39.
2. Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4997972>.
3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3839-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3811317>
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 264 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 115 б.

6. Кучаров Ш. Ташқи миграция – бугун ва эрта: таҳлил ва муносабат // Экономическое обозрение, 2021. – №7. – Б. 3-8.
7. Маджидова Д.А. ва бошқалар. Меҳнат мигрантлари оилаларида шахслараро муносабатларнинг педагогик-психологик омиллари. – Тошкент: Fan va texnologiyalar, 2021. – 88 б.
8. Толаметова З.А. Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари // Иқтисод ва молия, 2016. – №3. – Б. 62
9. Холмуминов Ш., Абдурахманов X. Қишлоқ аҳолисининг ташқи ва ички меҳнат миграцияларини самарали ташкил этиш // Biznes-Ekspert, 2018. – №11(131). – Б. 57-62.
10. https://mehnat.uz/uploads/filemanager/source/Бандлик_тахлили_1_кв_янв_аръ_март.pdf